

МАМАТОВ Баҳодир Сафаралиевич,
 Тошкент молия институти “Пенсия иши”
 кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди
ХАЙДАРОВ Аскарбек,
 Тошкент молия институти “Молия”
 кафедраси мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

УДК336.233.2

МАМАТОВ Б.С., ХАЙДАРОВ А. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада пенсия тизимининг назарий асослари ва Ўзбекистондаги жорий ҳолати таҳлил қилинган ҳамда уни такомиллаштириш йўллари асослаб берилган.

Таянч иборалар: пенсия, пенсия таъминоти, пенсия тизими, концепция, иш ҳақи, пенсия ҳуқуқи, меҳнат стажи, пенсиянинг таянч миқдори, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, имтиёзли пенсиялар.

МАМАТОВ Б.С., ХАЙДАРОВ А. ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОГО ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

В статье проанализированы теоретические основы и текущее состояние пенсионной системы в Узбекистане и обоснованы пути её совершенствования.

Ключевые слова: пенсии, пенсионное обеспечение, пенсионная система, концепция, заработная плата, пенсионное право, трудовой стаж, базовая пенсия, внебюджетный Пенсионный фонд, льготные пенсии.

MAMATOV B.S., KHAYDAROV A. THE PUBLIC PENSION SECURITY SYSTEM IMPROVING WAYS

There is analyzed in the article theoretical basics and the current statuse of the pension system in Uzbekistan and provided the authors visions of ways to improve it.

Keywords: pensions, pension provision, pension system, concept, salary, pension law, work experience, basic pension, off-budget Pension Fund, preferential pensions.

Пенсия лотинча "pensio" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "тўлов" маъносини англатади. Пенсия ижтимоий таъминотнинг муҳим қўриниши бўлиб, амалдаги қонунчиликка кўра "уни олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови"¹дир.

Ушбу атаманинг мазмунини ўрганиш ва ёритишда кўплаб маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи-олимлар ўз тадқиқотларини бағишилаганлар. Бу борада мамлакатимизда пенсия соҳасидаги ислоҳотлар ва ривожланиш босқичлари олим ва мутахассисларнинг пенсия тизими ва пенсия тушунчасига бўлган қараш ва муносабатларининг такомиллашиб бораётганлигига ҳам ўз таъсирини қўрсатганлиги билан илм-фан ривожида муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Чунончи, мурожаат этилган қўйидаги манбаларда Ватанимиз иқтисодчи-олимларининг "пенсия" тушунчасининг моҳиятини англашда тадқиқотлари натижалари сифатида шакллантирилган таърифлари келтирилган. Жумладан, Ўзбекистонлик иқтисодчи-олим Т.Маликов фикрича: "пенсия – қариллик, ногиронлик, хизмат қилган йиллари учун ва боқувчисини йўқотганда фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун пул суммаларининг кафолатланган ҳар ойлик тўлови"².

Қўйидаги адабиётда пенсиянинг мазмунига ўзига хос таъриф келтирилганлигини кўриш мумкин: "Ишловчиларнинг пенсия жамғармасига тўловлари, иқтисодий нуқтаи назардан улар иш ҳақининг бир қисмидир. У ишчи кучининг қийматига киради, аммо институционал муйян кечикирилган мухлатда амалга оширилади, бу ишловчиларнинг Пенсия жамғармасига қўйган ва қайтарилиши лозим бўлган ўзига хос мақсадли улуши, омонатидир"³, дея таърифланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомилластириша йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 252-сонли Қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-банди, 2-хатбоши.

² Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: "Ношир", 2012. 676-б.

³ Аллаяров Ш., Тошмуҳамедов А.Д. Давлатпенсия таъминоти. Ўқувқўлланма. – Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2015. 232-б.

Пенсиянинг моҳияти бўйича қўйидаги таърифлар ҳам мавжуд: "Пенсия – белгиланган (пенсия) ёшига етганида, ногиронлик юз берганида, боқувчисини йўқотганлик муносабити билан, шунингдек, белгиланган муддат хизмат қилгани учун ва давлат олдида алоҳида хизматлари учун фуқароларнинг давлат ёки собиқ ходимларнинг собиқ иш берувчилари томонидан мунтазам пул даромадлари билан таъминланиши"⁴. "Пенсия – суғурталанган шахсга унинг йўқотилган муйян даромад микдорини белгилаб турувчи дараҷасининг компенсациясиdir"⁵. "Пенсия таъминоти давлатнинг муҳим ижтимоий кафолатлари ҳисобланиб, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар манфаатларини ифодалайди"⁶.


Пенсия таъминоти борасида хорижлик иқтисодчи-олим ва мутахассислар ичида J.Pengнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин эгаллайди. АҚШнинг Аризона университети профессори J.Peng тадқиқотларида пенсия таъминотига оид қарашлар баён этилган бўлиб, у ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан кейинги молиявий барқарорлигининг кескинлашувини ҳамда пенсия таъминотининг долзарб масалаларини кўтариб чиқади. J.Peng пенсияни фуқароларнинг қарилқдаги молиявий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим даромад манбаи эканлигини эътироф этиб, мазкур тизимдаги мавжуд муаммоларни ва истиқболда кутилиши мумкин бўлган ўзгаришларни тадқиқ этади. Пенсия таъминотига таъсир этувчи омиллар сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатади: ҳозирги ёш авлоднинг пенсияга чиқиш истиқболи; АҚШ ва бутун дунёда аҳолининг умргузаронлиги; ижтимоий ва тиббий суғуртага оид миллий дастурлар учун молиявий

⁴ Срожиддинов А.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджете тизими. Дарслик. – Тошкент: "Инфосом.УЗ" МЧЖнашриёти, 2010. – С. 367.

⁵ Умурзаков Б.Х. Пенсия бадалисалиқ тўловлариданн имабиланфарқланади?. – Тошкент: "Иқтисодиётваи инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 1-сон, 2011. 5-б.

⁶ Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и КО», 2009. – С. 7.

1-расм. Пенсия таъминоти тизимининг ташкилий шакллари¹



ресурсларнинг тақчиллиги; хусусий тармоқдаги ишчи-ходимлар учун анъанавий пенсия таъминотининг йўқолиб бораётганилиги; давлат секторидаги ишчи-ходимлар учун пенсиялар тақдим этиш баҳосининг ошиши; тибиёт харажатларининг юқори даражада ўсиши.

J.Pengning қайд этишича, "АҚШда ишловчиларнинг пенсияга чиққандан кейинги моддий таъминоти, одатда, уч манба: ижтимоий таъминот, иш берувчилар томонидан тақдим этиладиган пенсиялар, шунингдек, шахсий омонатлардан иборат бўлади. Ушбу уч манба биргалиқда фуқароларнинг қарилликда моддий хавфсизлигини таъминлаб бериши лозим бўлади"². АҚШда фуқароларнинг пенсияга чиқишида моддий таъминланганликнинг икки даражаси амал қиласи. Биринчиси, пенсияга чиқишида даромаднинг яшаш учун зарур бўлган энг асосий харажатлар, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва яшаш жойи учун етарли бўлиши бўлса, иккинчиси, молиявий хавфсизликнинг пенсионернинг пенсияга чиққунича бўлган давр билан пенсияга чиққандан кейинги давр даромадлари таққосланганда даромад миқдори пенсионернинг ҳаёт даражасидан лаззатланиши учун етарли миқдорда бўлишини англатади.

Умуман олганда, фуқароларга давлат ёки бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда мунтазам ва, одатда, умрбод тўланадиган тўловларга пенсия дейилади ва ижтимоий таъминотнинг муҳим шакли ҳисобланади. Пенсия тўлови фуқароларни кексалик даврида яшашлари учун етарлича шарт-шароитлар яра-

тилишини ёки уларнинг ижтимоий хавфсизлиги таъминланишини англатади.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий жиҳатдан икки шакли мавжуд (1-расм).**1. Фуқароларнинг бирдамлашган давлат пенсия таъминоти.** Ушбу тизимнинг моҳияти шундаки, ижтимоий суғурта асосидаги пенсия тизими "авлодлар бирдамлиги" принципига асосланган "тақсимловчи" элементлардан таркиб топган бўлиб, бунда иш берувчилар ва ишловчилар Пенсия жамғармасига мажбурий тўлов ва бадалларни тўлаб боради, шаклланган маблағлар ҳисобидан пенсионерларга пенсиялар тўлаб борилади ва бу жараён узлуксиз давом этади. "Бирдамлик пенсия тизимида жорий пенсия мажбуриятларини қоплаш учун зарурӣ бадал турларини йиғиш амалга оширилади"³.

2. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Мамлакатимизда 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий қилинди. Бундан мақсад фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равища, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимлари моддий аҳволини яхшилаш, шу асосда пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равища даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик ҷоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини оширишdir. Ушбу тизимда фуқароларнинг ажратмалари улар пенсияга чиққунларига қадар жамғариб борилади ва пенсияга чиққанидан кейин тўлаб берилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида

¹ Маматов Б.С. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. – Т.: "Иқтисод-молия", 2017. – Б. 13.

² JunPeng.State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: AuerbachPublications (August 21, 2008). – Р. 2-5.

³ Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: "Университет", 2017. Б. 10.

фуқароларнинг жамғармалари ихтиёрий ва мажбурий пенсия бадалларидан шаклланади. Бунда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг 2 фоизи¹ миқдорида амалга оширилади.

Демак, Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ҳар иккала тизими пенсионерларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш учун шартшароитлар яратишга қаратилган.

Аммо, бугунги кунда мамлакатимиз пенсия таъминоти тизимида ўзига хос муаммолар мавжуд. Пенсия таъминоти тизимида ижтимоий адолатни таъминлаш ва самарадорликни ошириш, пенсия тизимида рағбатлантирувчи механизmlарни жорий этиш, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ошириш, ижтимоий суғурта тизимида фуқароларнинг ихтиёрий иштирокини рағбатлантириш чораларини қўллаш шулар жумласидандир. Куйида мазкур муаммолар моҳиятини кўриб чиқамиз.

1. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига асосланган ҳолда, ўзгаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш тамойилларини, ўзгаларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳисобига ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга йўл қўйилмасликка, ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган.

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 595-сонли қарорига кўра, 2005 йил 1 январдан бошлаб, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг 1 фоизи миқдорида амалга оширилиб келинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида ги 3454-сонли қарорига мувофиқ бу ставка 2018 йил 1 январдан бошлаб, 2 фоиз қилиб белгиланган.

Жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозим. Бундай ҳолат ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи юзага келгандан кейин ҳам ўз меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқароларга пенсия тўланишида тенг ҳуқуқлилик ва адолат тамойилларига қатъий амал қилинишини назарда тутади.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилнинг 1 май ҳолатига Ўзбекистон Республикасида 3,3 млн. нафардан ортиқ пенсия ва нафақа оловчилар мавжуд бўлиб, уларнинг 3,2 фоизи (103,1 минг нафари) пенсияга чиққандан сўнг меҳнат фаолиятларини давом эттиришмоқда². Бу кўрсаткич Швецияда 58 фоизни, Жанубий Кореяда 45 фоизни, Японияда 42,8 фоизни, Чилида 39,9 фоизни, Истроилда 39,3 фоизни, Хитойда 36 фоизни, Россияда 34 фоизни, Норвегияда 33 фоизни ташкил қиласиди. Албатта, бунда пенсионерлар сони ва фуқароларнинг пенсияга чиқиш ёшини инобатга олиш зарур бўлади. Масалан, Японияда 65 ёшдан ошган аҳоли улуши, яъни пенсия ёшидаги аҳоли улуши жами аҳолининг 21,4 фоизини ташкил қиласиди ва бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичdir.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 апрелда 2222-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан, пенсионерлар ишга жойлашган тақдирда уларга пенсиялар 50 фоиз миқдорида иш жойидан амалга оширилади (белгиланган тоифадаги ишловчи пенсионерлардан ташқари). Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ушбу тартиб жаҳон амалиётида бошқа давлатларда мавжуд эмас. Аммо, тарақкий этган мамлакатларда пенсия ёшига етган фуқароларнинг меҳнат фаолиятини давом эттириши ҳукумат томонидан рағбатлантирилади.

Бир вақтнинг ўзида, ушбу йўналишда ўтган йил давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2017 йил 1 апрель ҳолатига 4 та тоифадаги пенсионерлар (*I-II* гурӯҳ ногиронлари, уруши қатнашчилари, маҳалла раислари ва уларнинг диний-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари) тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси

²<http://pfru.uz/uz/page/538/vnebyudzhetnyy-pensionnyy-fond-v-ramkah-koncepcii-reformirovaniya-gosudarstvennoy-pensionnoy-sistemy-predlagает-vyplatu-pensiy-rabotayuschim-pensioneram-v-polnom-rasmere. 4.12.2018>

Президентининг қатор фармон ва қарорларига асосан бугунги кунда 31 та тоифадаги пенсионерлар ("Халқ" ва "Хизмат кўрсатган" фахрий унвонларига эга пенсионерлар, тиббиёт муассасалари шифокорлари, "Нуроний" жамғармаси, "Оила" маркази, Мажбурий ижро бюроси ва нодавлатнотижорат корхоналари ходимлари, спорт фахрийлари ва бошқалар)га тўлиқ миқдорда пенсия олиш имтиёзлари берилиб, 26,7 минг нафар (ёки 26 фоиз) ишловчи пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия тўланмоқда.

Бироқ, фуқаролардан келиб тушаётган мурожатларда фуқаролар пенсияга чиққанларидан сўнг ҳам меҳнат фаолиятини давом эттириб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаётган бўлсалар ҳам ўзларининг кўп йиллик меҳнати эвазига тайинланган пенсияларидан чегириб қолиниши иқтисодий ва ижтимоий адолат принципларига мос келмаслигини таъкидлаш ўринлидир.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддаси, яъни ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартибида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олиниши белгиланган. 2013-2017 йилларда фуқаролар пенсиясининг ойлик ўртача миқдори ўсиб бориш тенденциясига эга. Хусусан, 2017 йилда бу миқдор 543,2 минг сўмни ташкил қилиб, 2013 йилга нисбатан 212,4 минг сўмга ошган ёки 164,2 фоизга ўслан ва бу миқдор пенсионерларнинг муносабиб турмуш даражасини таъминлаш учун етарли эмас. Мазкур миқдор Марказий банк курсида тақрибан 68 АҚШ долларини ташкил этади. Хорижий мамлакатларда пенсиянинг ўртача ойлик миқдори – Тожикистонда 50, Қирғизистонда 60, Украинада 70, Грузияда 80, Озарбайжонда 120, Белорусда 140, Қозоғистонда 160, Россияда 220, Эстонияда 440, Полшада 510, Чехияда 570, Грецияда 930, АҚШда 1250, Норвегияда 2340 ва Германияда 2500 АҚШ долларини ташкил қиласди. Пенсиянинг миқдорига бир қанча омиллар таъсири қиласди ва энг асосий омиллардан бири пенсия миқдорини ҳисоблашда олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг максимал чегарасининг белгиланганлигидир. Хусусан, Ўзбекистонда мазкур чегара, амалдаги қонунчиликка кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробари миқдорида белгиланган. Масалан, "А" фуқаро умумий бел-

гиланган тартибда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга ҳамда пенсияга чиқиш учун тақдим этилган ойлик иш ҳақи маълумотларига кўра, ўртача ойлик иш ҳақи 2 млн. сўмни, белгиланган энг кам иш ҳақи эса 184300 сўмни ташкил этган. Бунда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробари, яъни 1474400 сўмдан пенсиянинг таянч миқдори ҳисобланади ($184300 \times 8 \times 55\% = 810920$ сўм). Бундай ҳолда фуқаронинг пенсия миқдори устамаларсиз 810920 сўмни ташкил қиласди. Агар, пенсияни ҳисоблаб чиқаришда аниқланадиган ўртача ойлик иш ҳақининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилса, пенсиянинг таянч миқдори 1013650 сўмни ташкил қиласди ($184300 \times 10 \times 55\% = 1013650$ сўм). Бундай ҳолатда фуқаронинг пенсия миқдори 202730 сўмга ёки 25 фоизга ортади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, пенсияни ҳисоблаб чиқаришда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробари фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимидағи иштирокига, жумладан, фуқароларнинг меҳнат фаолиятининг давомийлигини таъминлаш ва юқорироқ миқдорда иш ҳақи олувчиларни рағбатлантиришга салбий таъсири қўрсатади. Шундан келиб чиқиб, пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинадиган ўртача иш ҳақини, пенсия тайинланиши кунидаги белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 баробарига ошириш, истиқболда унинг миқдорини 12 баробарга етказиши мақсадга мувофиқдир.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига кўра пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг таянч миқдорлари ёшга доир пенсиялар учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида оширилади¹.

Пенсия тизимининг халқаро амалиётида кеч пенсияга чиқишини рағбатлантириш механизми ёки меҳнат стажининг давомийлигига қараб, пенсия миқдорини ошириш тартиби амал қиласди. Масалан, Америка Қўшма Штатларида фуқаро 70 ёшдан пенсияга чиқса, унга пенсия миқдоридан келиб чиқиб, 25 фоизгача устама берилади. Бун-

¹Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни, 27-модда.

дай ҳолат пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ошириш имконини беради, шунингдек, меҳнат фаолиятини рағбатлантиради. Ушбу амалиётдан фойдаланиш механизмларини Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Маълумки, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида имтиёзли шартлардаги пенсиялар белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айrim тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи: ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати; умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати; умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати. Шунингдек, имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига уруш ногиронлари, болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар ва паканалар ҳам эга.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг сезиларли қисми имтиёзли пенсияларни молиялаштиришга сарфланмоқда. 2018 йилнинг 1 май ҳолатига имтиёзли шартларда тайинланган пенсиялар улуши 592,4 минг кишини ёки жами тайинланган пенсияларнинг 19,5 фоизни ташкил этиб, шундан, ёшга доир пенсиялар 23,7 фоизни ташкил этади. Йилига ўрта ҳисобда 39,8 мингта имтиёзли пенсиялар тайинланмоқда. Шу билан бирга имтиёзли пенсияларнинг ўртача миқдори ёшга доир пенсияларнинг ўртача миқдоридан (543,2 минг сўм) юқори бўлиб, 3 – сонли рўйхат бўйича ўртача пенсиялар 742,6 минг сўмни, 2 – сонли рўйхат бўйича пенсиялар 951,3 минг сўмни ва 1 – сонли рўйхат бўйича пенсиялар 1 025,4 минг сўмни ташкил этади¹.

Таъкидлаш ўринлики, имтиёзли пенсия тайинлаш тартиби собиқ Иттифоқ даврида аҳолининг демографик ҳолатини яхшилаш мақсадида жорий

қилиниб, бугунги кунда ўз аҳамиятини деярли йўқотди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ ҳалқ таълими ва тиббиёт соҳасида босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилиши, соҳа ходимларининг иш ҳақи устувор тарзда оширилиши, илғор ходимларни моддий рағбатлантириш тизими жорий қилингани, шунингдек, замонавий бинолар қурилиб, илғор техника, асбоб-ускуна ва анжомлар билан жиҳозланиши, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида меҳнат самарадорлиги сезиларли ўсди. Шу боис имтиёзли пенсиялар катта рол ўйнамай қўйди.

Айни пайтда бу пенсия таъминотида ижтимоий адолат принципларини кучайтириш, юқори маош олиб ишлаган фуқароларга мутаносиб миқдорда пенсиялар тайинлаш, пенсиялар миқдорини устувор тарзда ошириш учун замин ҳозирлаш, Пенсия жамғармасининг даромад ва харажатлари барқарор мувозанатини сақлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, пенсия таъминоти тизимида ижтимоий адолатни таъминлаш ва самарадорликни ошириш, рағбатлантируви механизмларни жорий этиш, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат ҳиссаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ошириш, ижтимоий суғурта тизимида фуқароларнинг ихтиёрий иштирокини рағбатлантириш чораларини қўллаш мақсадида қўйидаги таклиф-тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Давлат пенсия таъминоти тизимида ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш, пенсия тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида барча ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг тўлиқ (100 фоиз) миқдорда олиш ҳуқуқини бериш зарур.

2. Пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобга олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига қўйиладиган чегарани амалдаги 8 баробаридан 10 баробарига ошириш, истиқболда эса уни 12 баробарга етказиш лозим.

3. Фуқароларнинг 35 йилдан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг таянч миқдорини ҳисоблаб чиқарилган ўртача иш ҳақининг 2 фоизи миқдорига ошириш керак.

4. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан фуқароларга имтиёзли шартларда пенсиялар тайинлаш тартиби қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

¹ http://pfru.uz/uz_Cyr!/page/518/davlat-pensiya-taminoti-tizimini-islo-etish-koncepciyasi-loyiasi 4.12.2018.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 252-сонли Қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом.
3. Аллаяров Ш., Тошмуҳамедова Д. Давлат пенсия таъминоти. Ўқувқўлланма. – Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2015. – 2326.
4. Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К0», 2009. – 576 с.
5. Вахабов А.В., Мажидов Н.М Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Т.: "Университет", 2017. – 128 б.
6. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: "Ношир", 2012. – 6766.
7. Маматов Б.С. Жамғариббориладиган пенсия таъминоти. – Т.: "Иқтисод-молия", 2017. – 168 б.
8. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Дарслик. – Тошкент: "Инфосом.УЗ" МЧЖ нашриёти, 2010. – 500 б.
9. Умурзаков Б.Х. Пенсия бадали солиқ тўловларидан нима билан фарқланади?. – Тошкент: "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. 1-сон, 2011. 5-6.
10. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – 286 P.
11. www.pfru.uz.